

БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ ВА СЮЖЕТГА ХОС УНСУРЛАР ТАЛҚИНИ

Рузматова Ирода Рузматовна ,

*Абу-Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети
хузуридаги ихтисослашган мактабда инглиз тили фан ўқитувчиси*

мустақил тадқиқотчи

ruzmatovairoda341@gmail.com

+998999687929

Аннотация: *Инглиз адиби Артур Кларк қаламига мансуб “Ойдаги синоат” номли фантастик-психологик ҳикояда она сайёра, замин, ой ва унинг йўлдошлари хусусида сўз боради. Инсониятнинг ақл бовар қилмас кашфиётига қизиққан Генри Купер исмли журналист кўплаб масалаларга, саволларга жавоб топгандек бўлиши талқин қилинди.*

Калит сўзлар: *универсал, образ, жамият, тараққиёт, космос, тарих, классик адабиёт, замон талқини, меҳнатсеварлик, меҳр-шафқат, перонаж ва мантиқ.*

Ҳикоянинг устуни фабула (сюжет), воқелик бўлса, уни ҳаракатга келтирадиган динамик принциплар ҳам ўз мавқеида вазифани бажаради. Шулардан бири – бадий психологизм ҳисобланади. Бадиийлик модуси рухий таҳлил ва талқиннинг нечоғли мураккаблигини, характернинг ёритилиш саҳнасини, ёзувчининг ғоясини сюжет ва композицион уйғунликда маромига етказиб берадиган асосий фрагментлардан бири саналади. Бадий психологизм ўзбек ва инглиз насрида (ҳикоя) XX асрнинг 20-30 йилларида жуда бошқача тарзда ифодаланди. Бир томондан ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб майдонга чиқса, унинг озодлиги муайян синфлар томонидан челанди. Зулм ва қабоҳат авж олди. Интеллектуал капиталга бўлган талаб кучайди. Аҳолининг аксарият қисми

мамлакатдан бошқа бир мамлакатга кўчиб, (дарбадар) яшашга мажбур бўлди. Қаерда зиёли қатлам кўп бўлса, ўша ер тинтувга олинди ва жамиятдан сиқиб чиқарилди. Мана шу жараёнда бадиий адабиёт ҳамиша безовта руҳ каби, инсоний муносабатларни санъат асари даражасига олиб чиқиб, ўлмас мавзуларда қалам тебратган ёзувчилар авлоди шаклландилар. “Ёзувчи қайси жанрда ижод қилмасин, асар яратмасин, у объектив ҳаётга мурожаат қилади. Лекин объектив воқелик, яъни ҳаётини материал қандай бўлса, ёзувчи шундай тасвирламайди. Башарти шундай қилинса, бадиий асар бўлмайди. Ёзувчи уни қайта яратади, ўзидан қўшади, ўрни келганда “камайтиради”. Бу “қўшиш” ва “камайтириш” ҳаётини ҳақиқатларга зид бўлмаслиги, ёзувчи асарда илгари сурган бадиий мақсад-концепцияга мувофиқ бўлиши керак. Демак, ижодкор воқеликка суянган ҳолда яратган асардаги концепция ўз замонасининг долзарб масаласи билан алоқадор бўлса унинг қалбида гўзаллик, эзгулик ҳисларини ёки нафрат туйғусини уйғота олса, ана ўшандагина ўз вазифасини адо этган бўлади”¹, - дея ёзади проф. Ҳ.Каримов. Бинобарин, бадиий асарнинг ўқ илдизи – сюжетнинг қай тариқа мукаммал тузилганида бўлса, унинг жон озиғи руҳий таҳлил негизда қаҳрамон тийнатиши ифодалаш билан боғлиқ жараён эканлиги аёнлашади. Ёзувчи айти шу қисматни ўз юрагидан ўтказиб иш тутар экан, тинимсиз мушоҳадага чорловчи дидактик, фалсафий-эстетик қамровни ҳам ўзига хос тарзда идроклайди. Мақсад қаҳрамон руҳий оламини бутун-мураккаблигича кўрсатиш, ҳаёт ҳақиқатини образлитарзда гавдалантиришдир.

Инглиз адиби Артур Кларк қаламига мансуб “Ойдаги синоат” номли фантастик-психологик ҳикояда она сайёра, замин, ой ва унинг йўлдошлари хусусида сўз боради. Инсониятнинг ақл бовар қилмас кашфиётига қизиққан Генри Купер исмли журналист кўплаб масалаларга, саволларга жавоб топгандек бўлади:

¹ Каримов Ҳ. Кечаги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар) -Т.:Yangi nashr. 2018. –Б.143.

“Генри Купер хато бўлган ниманидир топмасидан олдин икки ҳафта Ойда бўлди. Дастлаб унда тушунтириб бера олмайдиган номаълум бир туйғу пайдо бўлди, бироқ у ўйлаб иш қиладиган, ақлли илмий муҳбир эди, шунинг учун ҳам у бундан кўп ҳам ҳавотирга тушмади. Уни бу ерга келишини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фазони тадқиқ этиш Мамурияти сўраган эди. Фазони тадқиқ этиш Мамурияти ҳамisha ақлли, масъулиятли одамларни Ойга, у ердан туриб Ерга ахборот жўнатиш учун юборар эди. Бу хатто бугунги кунда ёрдам сўраб қичқираётган мактаблар, йўллар, денгиз кўриқхоналари ва бошқаларга тўлиб тошган дунёдан ҳам муҳимроқлиги ва барча пул фазовий тадқиқотлар учун сарфланаётгани одамнинг жаҳлини чиқарар эди. Шунинг учун ҳам Генри Купер шу ерда, бу унинг Ойдаги иккинчи ташрифи эди ва бир кунда икки мингта сўз билан маълумот жанатаётган эди. Ой унга бегона эмас бироқ бу ерда Африкадек катталиқдаги ажиб ва сирли дунё излари қолган ва у ҳали ҳам деярли бутунлай номаълумлигича қолмоқда эди. Ҳозир Девор билан ўралган улкан, сокин, бўшлиқ, асрлар давомида Ойга учишга ҳаракат қилган одамзотни синаб кўрган Плато Сити (Плутон шаҳри) дан бир тош думалаб тушди. Купер Ойдаги дастлабки инсон қадами етган бу жойга аллақачон ташриф буюрган ва бу ҳақида мақола ёзган. Лекин энди бу ҳудди Колумбнинг дастлаб Америкага қилган саёҳатию, ака-ука Райтларнинг дастлабки двигателли самолётни ясаб, унда муваффақиятли парвоз қилишгани каби ўтмишда қолган эди. Куперни фақат келажак қизиқтирар эди”².

Глобал дунёда бутун ер юзини ўргимчак тўридек чирмаб ўраб олган муаммо – инсониятнинг руҳий экологияси саналади. Табиий офатлар, сунъий касалликларни (вабо) тарқатиш, галактикада мувознат бузилиши, инсониятнинг қадами етмаган жойларгача бориши, бўлиб олиш ва ҳукмронлик қилиш муаммолари кучли давлатларнинг стратегик “ўйин”ларига айланиббормоқда. Динлараро ва ирқлараро урушлар, қирғинбаротлар, бойлик ва шон-шухрат эвазига сохта обрў тўплаш бугунги “янги инсон”нинг

² <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/artur-klark/artur-klark-o-dagi-sinoat-hikoya/>
www.tadqiqotlar.uz

кундалик юмушига айланиб бўлгани ачинарли ҳолдир. Артур Кларк “Ойдаги синоат” номли ҳикоясида мана шу оғриқли жараёнларни психологик нуқтаи назаридан қайта идроклашга кенг йўл топади. Воқеликни Генри Купер нуқтаи назари, таҳлил ва тадқиқи билан холис кузатаркан, бу ердаги синоатларни шу нуқтадан туриб баҳолашга интилади. Ёзувчи бу ерда жуда кўп масалаларни “ўрам” сифатида талқин қилади. Аслида, ой тимсолида олиб борилаётган тадқиқотлар инсоннинг умрни узайтириш, ер юзида ҳар хил тажрибаларни ҳайвонлар ёрдамида синовдан ўтказиш, турли хил касалликлар ва қирғинбаротларни олиб бориш уларнинг асосий мақсади саналади. Биолобараториялар, вируслар ташувчи ҳайвонлар, ҳавонинг ифлосланиши, экологик фожеаларни келтириб чиқарувчи қатор омиллар ҳикояда ёзувчи ижодий концепциясининг психоанлитик ифодасидир. Мана шу жараёнда Генри Куперни диққатини тортган, журналистик суриштурв натижаларига етакловчи қатор масалалар унинг диққат марказида бўлади.

Ҳикояда икки жиҳат бадиий психологизмнинг чуқурлашувига замин ҳозирлайди:

1. Ёзувчи ихчам шакл (жанр) табиатида умуминсоний муаммоларни жиддий синовдан ўтказди.

2. Қаҳрамоннинг руҳий-маънавий эҳтиёжи ҳикоя архитектуроникасини белгилаб, сюжет ва композицияда ташкилланиш жараёнини тезлаштиради.

Мавжуд ҳаётӣ ҳақиқатлар ҳикоя модификациясида алоҳида ўрин эгаллайди. Айни пайтда Генри Купернинг инсониятнинг яшаши ва иқлим ўзгаришига қилинаётган зиддиятли тадқиқотларга тиш-тирноғи билан қарши бўлиши ёзувчининг асл ижодий мақсадининг нима эканлигини аёнлаштиради. Негаки, ёзувчи ахборот олувчи ва узатувчи журналист сифатида бур куч-қудратини, тасвир предмети ва ифода маданиятини бош қаҳрамон руҳиятига сингдириб юборади. У кузатувчи ва воқеликни бошқарувчи сифатида ровийлашади. Бу ҳаммага теккан руҳий касаллик эди. Бу ёзувчи ҳам “Ойдаги сокинлик”ни ёзаркан, ундаги асл мақсадни жаноб Купер хатти-ҳаракатлари фонида очиклашга кенг имкон топади:

“Хўш,” деди Купер. Бу ерда бу вақтда жинойтга алоқадор бирор нарса бўлиши мумкин эмас. Шундай экан мени кўрқитадиган бошқа хавотирли нарса бор. Қирғин келтирувчи янги касаллик тури. Тахминимча Марсдан ёки бошқа жойдан қайтган фазо кемаси ўзи билан даҳшатли касалликни олиб келган ва докторлар унга қарши ҳеч нарса қила олишмаяптими?

Орада узун жимлик бўлди. Кейин Чандра “мен сўраб-суриштираман. Менга бу ишлар ёқмаяпти чунки бу ерда сиз ҳам билмайдиган нимадир борга ўхшайди. Ўтган ойда тиббий гуруҳда уч марта асабий жанжаллар бўлди бу жуда, жуда ғалати ҳол.” деди.

Икки ҳафтадан сўнг ҳақиқий Ой туниниг ярмида кўнғироқ бўлди. Плато сити вақти билан якшанба тонги эди.

“Генри? Мен Чандраман. Ярим соат ичида мен билан “Эирлок Файф” да учраша оласизми? Яхши. Мен сизни ўша ерда кутаман.

Эирлок Файф уларнинг шаҳардан ташқарига чиқишини англатарди. Чандра ниманидир топганга ўхшайди.

Ой машинаси шаҳардан чиқиб нотекис йўл бўйлаб кетиб борарди, Купер жанубий осмон тубидаги Ерга термулди. У думалоқ ва кўк-яшил рангда қаттиқ хунук Ой заминиға ёрқин нур сочиб турибди.

Машина бошқа йўлга бурилди ва якка ўзи ялтираб турган шишадан қилинган бино томонга қараб юрди. Купер Чандрага эргашиб бинога кирди. Улар бугун якшанба тонгида бўш турган узун зал, лабараториялар ва компьютер хоналарини айланишди. Ниҳоят улар бино марказидаги Ердан келтирилган кичкина ҳайвонлар ва ўсимликлар билан тўлиб тошган катта айлана шаклдаги хонага киришди. Уларни бу ерда жуда хавотирли ва тушкун кайфиятдаги, паст бўйли, сочлари оқарган бир киши кутиб турарди.

“ Доктор Гастингс танишинг жаноб Купер деди Кумерасвами.” У Куперга ўғирилди ва “мен докторни фақат у нима деган бўлса барчасини сир сақлашингиз шарти билан кўндирдим.” Доктор совуқлик билан кўришди. У контейнерлардан бири томонга юрди ва у ерда кичкина жигари ҳайвонни қўлига олди ва Куперга кўрсатди.

“Буни нималигини биласизми? деб сўради у совуққонлик билан.

“Албатта бу олмахон” деди Купер. “Олмахон барча лабораторияларда бўлади”³.

XX асрнинг энг даҳшатли курули – ахборот тарқатиш ва шунинг эвазига ўз заминда мустаҳкам яшаб қолиш кайфиятидир. Биолобараторияларда тажрибадан ўтказилаётган сон-саноксиз ҳайвонлар кунни келиб, ер юзида қандайдир вабо ёки бирор касалликнинг тарқалишига катта сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида сўз бормокда. Ой – яратганнинг бир мўъжизаси. Мифологик танловда булар яққол намоён бўлади. Айниқса, инсон ўз нафси ва истаклари билан андармон бўлиб, ҳаётини янгидан-янги кашфиётлар қучоғида яхши ҳис қилиши мумкин. Мана шу теран фалсафий-психологик вазиятда инсоннинг бошига сонсиз кулфатлар ёғилиши ҳеч гап эмас. Жаноб Купернинг билишга қизиққан ҳар қандай масалалардаги собит қадамлиги ҳикоя архитектоникасида ижодий концепция бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади. Шундай экан, борлиқ ҳақида кўп масалалар аёнлашади. Дунёнинг ўзига хослиги, фикр ва қарашлар хилма-хиллиги янги давр ҳикоячилигида космогоник муаммолар гирдобидида қолган бани башарият олдида ечимини кутиб турган саволлар бисёр эканлигига мантикий урғу берилади.

“Машҳур психолог-файласуф Карл Юнг “Оламни тушуниш учун бир интеллект тафаккури ожизлик қилади” деганида нақадар ҳақ эди. “Пуанкаре” ҳикояси қаҳрамонларининг айрича муносабатдаги тақдирига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш ўринли бўлади. Аввало, адибнинг “Мен ҳар бир инсонни Коинот мўъжизаси, гултожи деб биламан. Инчунин, ҳар бир инсон азиз ва мукаррам” деган таъкиди мутлоқ асослидир. Лекин ҳар биримиз дунёни турли ракурсларда кўрамиз, таъбир жоиз бўлса, олам биз учун ўзимизча кузатган, англаганимиз ҳақиқатлардан иборат, асло аслиятдан эмас: “Биз ўзимиз тўқиб чиқарган ривоятларга-да ишониб кун кечирамиз, зарурат туғилиб қолганда уйдирмаларимизни ялов қилиб қўтарамиз”. Хатто буни энг илғор илмий

³ <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/artur-klark/artur-klark-o-dagi-sinoat-hikoya/>
www.tadqiqotlar.uz

методлар ҳам тасдиқлаб турибди: “Квант механикаси ва нисбийлик назарияси изчил ва улар кўпгина экспериментларда ўз тасдиғини топмоқда. Аммо мазкур билим тизимлари қандай талқин қилинишидан қатъи назар, олинувчи экспериментал маълумотлардан ва уларга мос келувчи назарий конструкциялардан экспериментчи одамни узоқлаштириш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳар қанча ҳаракат қилмасин, микродунё ҳақидаги ахборотни микрообъект, уни ўлчаш мумкин бўлган макроскопик асбоб билан ўзаро таъсирга киришиши натижасида олади”⁴. Ушбу ҳикояда математик олимнинг умри мобайнида талпинган ғоялари ўзининг на ҳаётини, на илм-фанни ўзгартирди. У шундай жамиятда нафас олаётганидан бўғилади. Дўсти Тиркашнинг маслаҳатлари-ю, бошқа одамларнинг кўрсатмалари уни туйғуларини тарбиялай олди. Ҳеч бири ўзи талпинган иедалчалик ҳузур бермади. Мана шу ҳузур қаҳрамонни муқим яшашга қўймайди. Ҳар бир инсон ўзининг ҳаёт неъматларини тўғри англаган ҳолда иш тутиши лозим. Бироқ уни эшитадиган қулоқ, тинглайдиган қалб бўлмаса ҳечдир. Асар айти шу масалаларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан эътиборлидир. “Глобллашув ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари натижасидаги таъсирнинг адабиётга,асосан, XX асрнинг охирлари, айниқса, шўро тузумининг куллаши ва республикасининг мустақилликка эришгандан сўнгги давларга келиб яққолроқ сезила бошлаган эса-да, атоқли ўзбек шоир-ёзувчилари ижодида бунинг айрим ёрқин намуналари анча илгарироқ, жаҳон адабиётида тамоил сифатида бўй кўрсата бошлаган босқичларга тўғри келади. Бу ҳодиса ўзбек адабиётининг айрим намуналарида долзарб муаммоларга эътибор беришида жаҳон адабиётининг илғор тамойилларига ҳар доим ҳам ҳамқадам бўла олган, дейишга асос беради”⁵. Айнан шу масалалар ҳикоядаги кўтарилган муаммога қаратилади. Ёзувчи жаҳоннинг илғор ҳикоянавислари қўллаган усуллардан унумли фойдаланади. Бироқ ўзининг услубини яратади. Бу усул ёзувчига ҳикоя сюжети янада тиниқроқ очиб бериш имконини

⁴ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/sadullo-quronov-teorema.html>

⁵ Глобллашув: бадий талқин,замон ва қаҳрамон. -Т.: Фан нашриёти. 2018. –Б.83.

беради. Аслида, нореалистик ҳикояларда анъанавийликка қараганда рамз ва метафора усули қўл келади. Шу тариқа характер очикланади. Муҳими ҳикоядаги воқелик ёзувчининг ўзига тегишли – ҳаёт фалсафаси бўлиши билан одамлар руҳиятида кечаётган жараёнларни таққослаш, уларни ечиш йўлларига чақириш, фикр ва туйғуларини таҳлил этишга мослаштирилади. Унда ижтимоийликдан кўра, кўпроқ индивид қалбнинг ҳароратли туғёнлари ҳақида сўз бориши тайин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, янги давр ўзбек ва инглиз ҳикоячилигида сюжет ва композицияни яхлитлигини таъминлашга қаратилган қатор омиллар ўзига хослик касб этади. Унда миллий онг ва туйғу нисбати назарий жиҳатдан кенг масштабда идрокланиб, талқин ранг-баранглигига кенг йўл очади. Демак, ҳикоя замиридаги бадиий психологизм масаласи ҳар биримизни ўйлашга ундайди. Одамзоднинг яшаш тарзи, Аллони таниши, унга итоат қилиб, исённини жиловлаши тайин эканлиги янада аён бўлади. Зеро, ижодкор-мардум ҳам бир оддий Аллоҳнинг яратиғи. Унинг ҳам камчилик ва қусурлардан холи ҳаёти бўлиши мумкин эмас. бандаи ожиз ўзилигини англагани сари руҳий қуввати ҳам ошиб, ҳаёт ҳақидаги англамлари теранлашиб бориши табиий бир ҳолдир.